

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Уйчи туман судининг очик сайёр суд мажлиси Уйчи тумани “Иттифоқ” МФЙ биносиди бўлиб, туман судининг раиси [REDACTED]

[REDACTED] -сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED], ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, [REDACTED] и,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида гумонланувчи ва жабрланувчининг аризалари билан танишиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, иш бўйича тарафлар фикрини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Гумонланувчи Сс 2026 йил 9 январь куни соат 17:30 ларда “Нексия-3” русумли, 50W199DB давлат белгили автомашинасини тегишли ҳужжатларсиз Уйчи тумани Соқу МФЙ худудидан ўтган “Наманган-Уйчи-Учкўрғон” автомобиль йўлининг 1,0 км.да бошқариб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-бандида “Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши ва ИИО ходимлари талаб қилганида текшириш учун такдим этиши шарт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳуқуқини берувчи талонни, ҳайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб кўйилган бўлса, унинг талонини, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб кўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномани” деб, 2-боб, 11-бандида “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир, г) ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрини керак” деб кўрсатилган талабларини кўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, йўлнинг ўнг томонида велосипед бошқариб кетаётган пиёда Ссни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиши натижасида Ссни ўртача оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд-тиббийет экспертизасининг 2026 йил 16 январдаги 54/33-сонли хулосасида Ссда чап тирсак суяги ўрта 1/3 қисмини очик бўлаккли силжиб



синиши ва билак суяги бошчаси чиқиши (монтеджи синиши), ўнг кўкрак суяги синиши, ўнг елка курак бўғими соҳаси қонталаши каби жароҳатлар аниқланиб, ушбу тан жароҳати соғлиғининг бузилишига сабабчи бўлган ўртача оғир тан жароҳати гуруҳига киришлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан Сс ўзининг юқоридаги ғайриқонуний ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланиб, жиноят иши судда кўриш учун юборилган.

Жабрланувчи Сс суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, ҳақиқатдан ҳам 2026 йил 9 январь куни Сс содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олиб шифохонада даволангани, шифохонада даволаниши учун кетган барча сарф харажатларни Сс тўлагани, ҳозирда саломатлиги яхшилиги, судланувчи билан ўзаро ярашиб олишгани, Ссга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, суд томонидан ЖПКнинг 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, судланувчи билан ўзаро ярашиб олишгани сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Гумонланувчи Сс суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, 2026 йил 9 январь куни соат 17:30 ларда бошқарувида бўлган “Нексия-3” русумли, 50W199DB давлат белгили автомашинасида содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида Ссни тан жароҳати олишига сабабчи бўлгани, жабрланувчини шифохонада даволаниши учун кетган зарарларни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи уни кечириб, ўзаро ярашиб олишгани, айбига иқрор ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги сабабли жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, жиноят ишини ярашув тартибида тугатиб, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумонланувчи Сс ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, ўзаро ярашиб олишгани, ўрталарида мулкий низо йўқлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига асосан гумонланувчи Сснинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан уни жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумонлануви Ссга нисбатан юритилган жиноят иши у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.



Жиноят ишига илова қилинган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида, қайд этилган муддат ўтгач эса кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

